

А. Қўқоров

Нажимаева

«Бурғилаш хизмати» МЧЖ
директори У. Ашуровга
директор ўринбосари
А. Раҳманбердиевдан

БИЛДИРШНОМА

17.12.2021

Сизга шуни маълум қиламанки Қашқадарё вилоятида ноёб мева-узум навларини сақлаб қолиш лоихаси ишлаб чиқилмоқда. Ушбу лойиха дастурига мувофиқ қуйидаги режа-топшириқлар белгиланиб олинди.

Улар қуйидагилар:

- I. Ноёб, йўқолиб кетаётган мева-узум навларни тиклаш
- II. Экологик тоза кўчатхона яратиш
- III. Ёшларни замонавий кўчатчиликка ўқитиш
- IV. Лойхадан эришиладиган натижалар

I. НОЁБ, ЙЎҚОЛИБ КЕТАЁТГАН МЕВА-УЗУМ НАВЛАРНИ ТИКЛАШ

Лойиха доирасида қуйидаги мева ва узум навларини сақлаб қолиш кўзда тутилган.

1. Олма мевали дарахтининг 3 та нави (Бойсун олма, Жонаки олма, Майский).
2. Нок мевали дарахтининг 3 та нави (Олмурут, Юрт Нашвати, Салом-2).
3. Ўрик мевали дарахтининг 4 та нави (Зубайдуллахон, Бузрукхон, Нон довучча, Лола ўрик).
4. Шафтоли мевали дарахтининг 2 та нави (Ок луччак, Лола).
5. Анор мевали дарахтининг 3 та нави (Қайим анор, Гулойша, Қай-аччик анор).
6. Узум мевасининг 3 та нави (Оломон тўйди, Қарсилдок, Сурхак китоби)

Юкорида келтирилган мева-узум навларини сақлаб қолиш ва уларни сонини кўпайтириш учун бир қанча ишлар қилиш керак бўлади.

Бунда кўчатларни вақтинча сақлаш хонаси яни, сендвич қопламага эга бўлган хона бўлиши ҳамда ушбу хона хароратини мўтадил сақлаб туриш яъни совутиш тизими ва иситиш тизими билан жихозланган талаб этилади. Ушбу сендвич қопламали исиқхонада сақлаш, пайвант қилиш ишларини ҳам амалга ошириш имкониятини беради.

II. ЭКОЛОГИК ТОЗА КЎЧАТХОНА ЯРАТИШ

Хозирги кунда замонавий экологик тоза кўчатхона яратишда бир қанча омилларни инобатга олиш маъсадга мувофиқ.

Буларга қуйидагилар киради:

1. Вируслардан химоялаш
2. Муқобил энергия манбайи яратиш
3. Сув тежовчи технология жорий этиш
4. Органик ўғит ва Биопрепаратларни етказиб бериш

Вируслардан химоялаш - Хозирги кунда замонавий иссиқхоналар кўпайиб бормоқда. Аммо уларнинг хаммаси ҳам вируслардан химояланган иссиқхона талабларига жавоб бера олмайди.

Вируслардан химояланган иссиқхона куйидаги талабларга жавоб бера оладиган бўлиши керак:

- Йилига ўртача 500-600,0 минг дона кўчат етиштириш;
- Совуқ мавсумда камида $+18^{\circ}\text{C}$ хароратни таъминлаш имкониятига эга бўлиши;
- Иссиқ мавсумда ўртача $+30^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлмаган хароратни ва камида 70% намлик даражасини таъминлаш имконияти;
- Иссиқхона устки қисмини ёпиш тизими: қалинлиги камида 180-200 микрон бўлган полиэтилен плёнка, ультрабинафша нурланишдан химояланган ва ЕВА факторли;
- Фасад ва Иссиқхона ён томонларини қоплаш: Қалинлиги камида 8 мм, 3-4 камерали шаффоф поликарбонат қопламаси билан жихозланган;
- Иситиш тизими: Табiiй газ қозон асосий ва захира кўмирли қозон бўлиши;

2,500.000к.кал/с.

- Электр токи: кучланиш 380 вольт, 3 фазали, 50 гигагерцли частота ва муқобил равишда куёш панели ва генератор.
- Туннел кенглиги: 9.5 метр.
- Тарновгача баландлик: 5 метрдан юқори;
- Иссиқхона баландлиги: 7.5 метрдан юқори;
- Макс. шамол юки: камида 35 kgf/m²
- Макс. шамол тезлиги: камида 120 м/с
- Макс. ёгингарчилик юки: ернинг горизонтал юзасининг 1 м² майдонида - 25 kgf/m²
- Кўчатларни автомаштирилган суғориш тизимлари (Боом) ва (техник эхтиёжлар);
- Осма вентелятор;
- Туманлаштириш тизими;
- Иссиқ сув таъминоти (техник эхтиёжлар) – сув иситгичи (қозонхона);
- Сув чиқариш тизими (техник, майиший эхтиёжлар учун);
- Тувакларни жойлаштириш учун стеллаж кенглиги 2м узунлиги 40м баландлиги 1м.

Муқобил энергия манбайи - Хозирда дунё бўйлаб чекланган энергия ресурсларини сақлаш, уларни ўрнига куёш батареяларидан фойдаланиш кенг тарқалиб келмоқда. Экологик тоза кўчатхона яратишда куёш батареяларидан фойдаланиш кўпгина қулайликлар яратиб қолмай электр энергияси харажатларини ҳам бир қанча иктисод қилишга сабаб бўлади.

Сув тежовчи технология - Экологик тоза кўчатхона яратишда сув тежовчи технологиядан фойдаланиш муҳим ахамият касб этади. Дунё

бўйлаб кўпгина ривожланган давлатлардаги замонавий кўчатхоналарда автоматлаштирилган (Боом) суғориш тизимидан фойдаланиб келинмоқда.

Бу автоматлаштирилган тизимнинг қулайликлари шундан иборатки суғориш даврида киритилган нормалардан келиб чиққан ҳолда кўчатларга ортикча зарар йетказмаган ҳолда ва ҳар бир кўчат бир меёردа суғорилишини таъминланади.

Органик ўғит ва Биопрепарат- Органик ўғитлар тупрокда биологик жараёнларни кучайтириб, унинг физик ва кимёвий хоссаларини яхшилайти, озука моддалар микдорини оширади, тупрокнинг муҳим агрономик хусусиятларига ҳар томонлама таъсир этади ва ҳосилдорлигини кескин оширади.

III. ЁШЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ КЎЧАТЧИЛИККА ЎҚИТИШ

Ёшларни замонавий кўчатчиликка ўқитиш 4 та йўналишда амалга оширилиб ҳар йили 40-50 нафар ёшлар тайёрланади.

Ушбу йўналиш қуйдагилардан иборат:

1. Кўчат етиштириш технологияси;
2. Ўсимликларни химоя қилиш;
3. Global G.A.P;
4. Органик қишлоқ хўжалиги

Ушбу 4 йўналишни ўрганиш мобайнида ўқувчиларга кўчатларни етиштириш, адаптация ва ўсиш давларида ўсимликларни ҳар-хил микрбиологик ва биологик кассаликлардан химоя қилиш, органик моддалардан самарали фойдаланган ҳолда керакли натижаларга муддатидан олдин эришиш имкониятларини яратади.

Халқаро Global G.A.P. жаҳон стандартлари ҳақида маълумот, бажариладиган вазифаларни ва қулайликлар яратиши ҳақида кенг маълумотга эга бўладилар.

IV. ЛОЙИҲАДАН ЭРИШИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР

1. 1га ер майдонидаги замонавий кўчатхонадан дастлабки йилда 600 минг дона узум кўчатларини ва иккинчи йили 600 минг дона 6 турдаги мевали кўчатлар етиштириш режалаштирилган.

2. 20 нафар янги иш ўрни: кўчатхона – 10, агротехнология – 4, маркетинг ва сотув – 4, малака ошириш – 2.

Юқоридагилардан келиб чиқиб иссиқхона қурилишига лойиҳа-смета ҳужжатларни тайёрлаш учун керакли бўлимларга кўрсатма беришингизни сўрайман.

Иссиқхона қурилишини лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун тахминий баҳоси **120 000 000(бир юз йигирма миллион) сўм.**

Директор ўринбосари

А.Раҳманбердиев